



## О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATI KENGASHINING QARORI

### “Йил аёли” ва “Гендер тенглик фаоли” миллий танловларини ўтказиш тўғрисида

Жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган, ҳар жиҳатдан ибратли хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларни кенг тарғиб қилиш ва жамоатчиликка етказиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 16-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. “Йил аёли” миллий танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ, “Гендер тенглик фаоли” миллий танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ, “Гендер тенглик фаоли” миллий кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Республика комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси билан биргаликда “Йил аёли” ва “Гендер тенглик фаоли” миллий танловлари ҳар йили юқори савияда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталари томонидан ўтказиладиган кўрик-танловлар тўғрисида”ги КҚ-214–IV-сонли Қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати тизимли равишда танловларнинг мазмун-моҳияти, уларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнлари давлат ва хорижий тилларда Сенат расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини таъминласин.

5. Ушбу Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев зиммасига юклансин.

6. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**



**Т. Нарбаева**

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 27 апрель,  
№ КҚ-340–IV.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг  
2022 йил 27 апрелдаги  
КҚ-340–IV-сонли Қарорига  
1-илова

**“Йил аёли” миллий танловини ташкил этиш  
ва ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом “Йил аёли” миллий танловини (бундан буён матнда – Танлов деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси танлов ташкилотчилари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган нодавлат ноижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, халқаро ташкилотлар танловда ҳамкор ташкилотчи бўлиши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган 35 ёшдан юқори ҳамда ўз йўналиши бўйича фаолият билан камида 5 йил мобайнида узлуксиз шуғулланиб келаётган аёллар, шунингдек, уй бекалари танлов иштирокчилари ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси танловнинг ишчи органи ҳисобланади.

5. Танлов ушбу Низомнинг 1-иловасидаги схема бўйича ўтказилади.

6. Танлов иштирокчиларини баҳолаш:

ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ “Йил аёли” миллий танловини ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитасининг;

ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ намунавий таркибдаги “Йил аёли” миллий танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитасининг;

ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ намунавий таркибдаги “Йил аёли” миллий танловининг туман (шаҳар) босқичини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитасининг қарорлари билан тузиладиган Ҳакамлар ҳайъатлари томонидан амалга оширилади.



## 2-боб. Танловнинг мақсади

**7. Танловнинг мақсади** – мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, оилада ва фарзанд тарбиясида ибрат бўлиш билан бирга ўзи фаолият кўрсатаётган ташкилот нуфузини оширишда фаол иштирок этаётган турли соҳа эгалари бўлган аёлларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштиришдан иборат.

### 8. Танловнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган, ҳар жиҳатдан ибратли, истеъдодли аёлларни аниқлаш, уларнинг фаолиятини кенг жамоатчиликка яқиндан таништириш, илғор иш тажрибасини оммалаштириш;

- аёллар орасида профессионаллик, ишбилармонлик, рақобатбардошлик муҳитини шакллантиришга имкон бериш ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- танлов иштирокчилари орасидан юксак касб маҳоратига эга бўлган, соҳанинг фидойи мутахассисларини танлаш ва улар ҳақидаги маълумотлар базасини доимий равишда бойитиб бориш.

## 3-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

9. Танлов уч босқичда ўтказилади:

**Биринчи босқич** – туман (шаҳар) босқичи;

**Иккинчи босқич** – ҳудудий босқич (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи);

**Учинчи босқич** – республика босқичи.

10. Танловнинг республика, ҳудудий, туман (шаҳар) босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш учун белгиланган намунавий таркиб асосида тузилган ташкилий қўмиталар томонидан қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

жойларда танловни юқори савияда ўтказилишига кўмаклашиш;

танловни юқори савияда ўтказиш учун ташкилий қўмиталар аъзоларини ҳудудларга бириктириш;

ташкилий қўмиталар аъзолари томонидан танловнинг тегишли босқич ғолиблари фаолиятининг жойига чиқиб ўрганилишини таъминлаш;

ҳар бир босқич ушбу Низомда белгиланган қоидаларга мувофиқ ўтказилишини назорат қилиш;

ҳар бир босқичда ушбу Низомда белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик ҳолатлари аниқланса, уни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш;

ҳудудий босқич натижалари тўғрисида Республика ташкилий қўмитасига мазкур Низомда белгиланган тартибда иштирокчиларнинг

ҳужжатлари, маълумот ва фотоальбомларини тадбир ўтганидан сўнг уч кун муддат ичида тақдим этиш.

11. Ташкилий қўмиталар танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнлари оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминлашга масъулдир.

12. Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларини ўтказиш бўйича тузилган ташкилий қўмиталар туман (шаҳар)лардаги ташкилий қўмиталар ишини мувофиқлаштириб боради.

13. Танловнинг туман (шаҳар) босқичини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита туман (шаҳар) босқичларида танловда қатнашиш истагини билдирган аёлларнинг иштирокини, ғолибларни аниқлаш ва кейинги босқичга тавсия этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни белгилайди ҳамда амалга оширилишини таъминлайди.

#### **4-боб. Танлов босқичларини ўтказиш муддатлари**

14. Танлов босқичлари ҳар йили қуйидаги муддатларда ўтказилади:  
**Биринчи босқич** – Танловнинг туман (шаҳар) босқичини ташкил этиш ва ўтказиш туман (шаҳар) ташкилий қўмиталари томонидан **ҳар йили октябрь ойида** ўтказилади.

Ҳакамлар ҳайъати қарори билан **белгиланган номинациялар бўйича бир нафардан ғолиб деб топилган аёлларнинг ҳужжатлари** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилий қўмиталарига топширилади.

**Иккинчи босқич** – Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи **ҳар йили ноябрь ойида** ўтказилади.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ушбу Низомда белгиланган шартлар асосида **белгиланган номинациялар бўйича бир нафардан ғолиблар аниқланади** ва танловнинг республика босқичида қатнашиши тўғрисида қарор қабул қилинади.

Ҳакамлар ҳайъати қарори билан тасдиқланган ғолибларнинг ҳужжатлари ҳар йили **30 ноябрга қадар** республика ташкилий қўмитасига топширилади.

**Учинчи босқич** – Республика босқичи ҳар йили **декабрь ойининг охири 10 кунлигида** тантанали тарзда ўтказилади.

Республика босқичида Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида белгиланган номинациялар бўйича ғолиб деб топилган аёллар қатнашадилар.

Республика ташкилий қўмитаси қарорига кўра Танлов босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш муддатлари ўзгартирилиши мумкин.



15. Ҳакамлар ҳайъати танловнинг туман (шаҳар) босқичларида 5 кишидан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар босқичларида 7 кишидан, республика босқичида 9 кишидан иборат таркибда тузилади.

16. Танловнинг ҳудудий босқичлари ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими қуйидаги тартибда ўтказилади:

ҳудуд марказларида ўтказиладиган тақдирлаш тадбири учун нуфузли бино ажратилади;

тақдирлаш маросимига энг чекка қишлоқлар, овулларда яшаётган, фидокорона меҳнати билан обрў-эътибор қозонган, ўз маҳалласи равнақи, тинчлиги ва ободлигига муносиб ҳисса қўшган улуғ онахонлар ва турли ёшдаги хотин-қизлар таклиф қилинади;

тадбир давомида ҳудуд хотин-қизлари фаолиятини акс эттирувчи, шунингдек, аёллар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўргазмалари, ярмаркалар ташкил қилинади;

тадбирда таниқли хонандалар, ёзувчилар ва бошқа санъат вакиллари иштирокидаги концерт дастури ташкил этилади;

танлов жараёнлари Интернет тармоқлари ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади.

17. Республика босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими қуйидаги тартибда ўтказилади:

Тошкент шаҳрида ўтказиладиган тақдирлаш тадбири учун бино ажратилади;

тақдирлаш маросимига мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўзларининг улкан ҳиссасини қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, оилада ва фарзанд тарбиясида ибрат бўлиш билан бирга ўзлари фаолият кўрсатаётган ташкилотлар нуфузини оширишда фаол иштирок этаётган турли соҳа эгалари бўлган фаол аёллар ҳамда турли ёшдаги хотин-қизлар таклиф қилинади;

тадбирда таниқли хонандалар, ёзувчилар ва бошқа санъат вакиллари иштирокидаги концерт дастури ташкил этилади.

### **5-боб. Танловни ўтказиш шартлари**

18. Барча босқичларда танлов иштирокчилари қуйидаги шартлар асосида баҳоланади:

#### **Биринчи шарт – “Ўзини таништириш”.**

Ушбу шартда танлов иштирокчилари 3 дақиқа ичида ўз фаолияти, оиласи, жамиятда тутган ўрни, ҳудудидаги фаоллиги ҳақида сўзлаб бериши ҳамда тақдимотини намойиш этиши зарур.

*Иштирокчининг ўзи ҳақидаги маълумотни тасвирлаш, либоси, ташқи кўриниши ва ички дунёси (маънавияти, замонавий аёл қиёфаси, миллийлик ва замонавийликнинг уйғунлиги) баҳоланади.*

#### **Иккинчи шарт – “Савол ва жавоб”.**



Ушбу шартда иштирокчиларга мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, айниқса оила, хотин-қизларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ҳамда жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган 2 тадан савол берилади ва 2 дақиқа вақт ажратилади.

**Учинчи шарт – “Замонавий ўзбек аёли”** мавзусидаги видеоролик намойиши.

Ушбу шартда иштирокчилар ўзларнинг фаолият йўналиши бўйича 3 дақиқалик видеоролик намойишини тақдим этади.

Бунда иштирокчилар белгиланган йўналишлардан бирини танлаган ҳолда ўзининг фаолият йўналишини ёритиб беради.

*Танланган мавзунинг ёритилишининг ўзига хослиги, ранг-баранглиги, мавзуга оид материаллардан маҳорат билан фойдалана олиши, креатив ёндашуви ҳамда кенг дунёқараши баҳоланади.*

19. Барча шартлар Ҳакамлар ҳайъатининг ҳар бир аъзоси томонидан 5 баллик мезон асосида баҳоланади.

20. Танловнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларида 3 та шарт натижаларига кўра энг кўп балл олган иштирокчилар ғолиб деб топилади.

Баллар тенг бўлиб қолганида танлов ғолиблари энг кўп бир хил балл олган иштирокчиларнинг ташкилий кўмита томонидан тайёрланган қўшимча саволларга берган жавоблари Ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаш орқали аниқланади.

Ҳакамлар ҳайъати раисининг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

21. Танловнинг республика босқичида белгиланган 3 та шарт асосида иштирокчиларнинг тўплаган балларига қараб, олий ўрин, 1, 2 ва 3-ўрин ҳамда белгиланган номинациялар бўйича ғолиблар аниқланади.

22. Танлов ўтказиш бўйича Ҳакамлар ҳайъати мажлисида баённома юритилади ва у Ҳакамлар ҳайъати раиси, масъул котиб ва танловда қатнашган Ҳакамлар ҳайъатининг бошқа аъзолари томонидан имзоланади.

Баённомада қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

танлов ўтказиш жойи ва санаси, танловнинг бошланиш ва яқунланиш вақти;

танловда қатнашган Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг рўйхати;

танловда қатнашган аёлларнинг рўйхати;

баҳолаш варақасидаги балларни ҳисоблаш натижалари, шу жумладан ҳар бир иштирокчи томонидан тўпланган баллар;

танлов ғолиби мазкур Низом талабларига кўра овоз бериш йўли билан аниқланган бўлса – овоз бериш натижалари;

танлов ўтказиш жараёнига тааллуқли бўлган бошқа маълумотлар;

танлов яқунлари бўйича Ҳакамлар ҳайъати қарори, шу жумладан танловда номинациялар бўйича ғолиб деб топилган иштирокчилар;

Ҳакамлар ҳайъати қарори устидан шикоят қилиш тартиби.

Иштирокчилар томонидан тўпланган баллар, овоз бериш натижалари ҳамда Ҳакамлар ҳайъатининг қарори шу куннинг ўзида танловда иштирок этган талабгорларга ўқиб эшиттирилади.

Белгиланган шартлар асосида баҳолаш варақалари, Ҳакамлар ҳайъати аъзолари мажлисининг баённомасига илова қилинади.

### **6-боб. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар**

23. Танловда иштирок этиш учун белгиланган ҳужжатлар қуйидаги муддатларда тақдим этилиши лозим:

танловнинг туман (шаҳар) босқичи иштирокчилари томонидан ўз фаолиятига доир ҳужжатлар ҳудуддаги туман (шаҳар) ташкилий кўмиталарига – **ҳар йили 1 октябрга қадар;**

танловнинг туман (шаҳар) босқичида белгиланган номинациялар бўйича ғолиб бўлган хотин-қизларнинг фаолиятига доир ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилий кўмиталарига – **ҳар йили 1 ноябрга қадар;**

танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида белгиланган номинациялар бўйича ғолиб бўлган хотин-қизларнинг фаолиятига доир ҳужжатлар республика ташкилий кўмитасига – **ҳар йили 1 декабрга қадар.**

24. Иштирокчилар Ташкилий кўмигага қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

ҳар бир иштирокчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

танловда иштирок этиш учун ҳудудий Ташкилий кўмига раиси номига иштирокчи томонидан имзоланган ариза (2-илова);

танлов иштирокчисининг махсус сўровнома шакли (3-илова);

ўз фаолиятини акс эттирувчи маълумотлар, кўргазмали материаллар; меҳнат фаолияти ва эришган ютуқларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

диплом ҳамда турли сертификат нусхалари;

иш жойидан тавсифнома (уй бекалари учун маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг тавсифномаси).

ўзи, оиласи, жамиятда тутган ўрни, ҳудудидаги фаоллиги ҳақида тақдимот;

танлаган йўналиши бўйича фаолиятини очиб берувчи 3 дақиқалик видеоролик;

25. Белгиланган муддатлардан кечиктириб топширилган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

### **7-боб. Танлов ғолибларини тақдирлаш**

26. Танлов босқичларида белгиланган номинациялар бўйича ғолиб деб топилган иштирокчилар ҳудудий ташкилий кўмиталарнинг йиғилиш қарори билан тасдиқланади.



Танлов ғолиблари ҳудудий ташкилий қўмиталар билан келишган ҳолда, махсус диплом ва ҳомийлар ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан мукофотланади.

27. Танловларда қуйидаги номинациялар бўйича ғолиблар аниқланади:

**“Йилнинг энг ватанпарвар аёли”** номинацияси:

*Ватанимиз тинчлигини асраш йўлидаги муносиб хизмати, хотин-қизлар ўртасида жиноятларнинг олдини олиш, оилалар фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб бораётган намунали фаолияти, чекка ва олис ҳудудларда жойлашган ҳарбий қисм ва шаҳарчаларда хизмат қилаётган ҳуқуқ-тартибот (ички ишлар, прокуратура, мудофаа, чегара қўшинлари, миллий гвардия, давлат хавфсизлик хизмати, солиқ, фавқулодда вазиятлар, божхона) идораларида хизмат қилаётган ва шу билан бирга оқила оила бекаси бўлган хотин-қизларга берилади.*

**“Йилнинг энг фаол олима аёли”** номинацияси:

*Қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини теран англайдиган, камида 2 та чет тилини биладиган, илмий тадқиқоти долзарб ва республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳисса қўшаётган, шунингдек, устоз-шогирд йўналишида ёш олимларни етиштиришида намуна бўладиган, Ўзбекистон илм-фанини дунёга тарғиб қилган хотин-қизлар бу номинацияга эришиши мумкин.*

**“Йилнинг энг илғор тадбиркор аёли”** номинацияси:

*Ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳисса қўшаётган, фаолиятига замонавий технологияларни жалб этаётган, аҳоли учун энг кўп иш ўринларини яратган, эҳтиёжманд оилаларга меҳр-мурувват кўрсатаётган, тадбиркорликнинг турли йўналишида оқила оила бекаси, фермер хўжалиги раҳбари, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга ҳисса қўшаётган тадбиркор, ҳунарманд ушбу номинацияга муносиб кўрилади.*

**“Йилнинг энг яхши ижодкор аёли”** номинацияси:

*Йил давомида она юртга муҳаббат, қадриятларимизга садоқат, ватанпарварлик каби зояларни ўзида мужассам этган бадиий асарлар, халқ амалий санъати, тасвирий санъат асарларини яратган, асарлари хорижий мамлакатларда таржима қилиниб, эълон қилинган, жаҳон адабиёти ва санъатига салмоқли ҳисса қўшаётган ҳамда ушбу ижод намуналари билан аҳолининг эътирофига сазовор бўлган фидойи, хулқи билан намуна бўла оладиган шоира, ёзувчи, журналист, сухандон, рассом, актриса, хонанда, бастакор хотин-қизлар ушбу номинация ғолиби бўлиши мумкин.*

**“Ўз касбининг устаси бўлган йил аёли”** номинацияси:

*Ушбу номинацияда турли касбларда юқори чўққиларига эришган етук мутахассислар, ўз касбининг сирларини пухта эгаллаган, унга замонавий технологияларни жорий этган, оғир ва енгил саноат*



корхоналарида ишлаётган ва фидойи меҳнати билан намуна бўлаётган, ёш мутахассисларга устозлик қилаётган хотин-қизлар иштирок этишлари мумкин.

**“Йилнинг энг кучли маънавий-маърифий тарғиботчиси”** номинацияси:

Ушбу номинация бўйича хотин-қизлар маънавиятини юксалтиришда фаол иштирок этаётган, жамиятда янги маънавий макон яратиш, эзгу гояларни сингдириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган, обрў-эътиборли аёлларни ўз сафида бирлаштирган, “Оқила аёллар” ҳаракатини намунали йўлга қўйган, оилаларни мустаҳкамлаш бўйича самарали тарғибот-ташвиқот ишларини фаоллик билан олиб бораётган ва натижаларини кўрсатиб бера олган, жамоатчиликка, аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган фаол аёллар тақдирланадилар.

**“Йилнинг энг яхши уй бекаси”** номинацияси:

Ушбу номинация маҳаллада ўзининг маънавияти, маърифати, маданияти билан эътиборга эга бўлган, фарзанд тарбиясида шахсий намуна кўрсатган, юксак фазилатли, элга муносиб хизмат қилаётган ёки жаҳон миқёсида ютуқларга эга бўлган фарзандларни тарбиялаётган хонадон озодалигини сақлаган, хонадонда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаган уй бекаларига берилади.

**“Йилнинг энг жонкуяр устози”** номинацияси:

Ушбу номинация ёш авлодни тарбиялашда муносиб ҳисса қўшаётган, маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларнинг самарали ташкил этаётган, қизлар тарбиясида ҳамкор ташкилотлар билан юқори натижаларга эришаётган, шогирдлари халқаро ёки республика олимпиадаларида, танловларда фахрли ўрин олган, “Қизларжон” клуби фаолиятини намунали йўлга қўйган, ибратли ҳаёт кечирган намунали аёллар билан доимий маърифий ишларни йўлга қўйган фаол устоз-мураббийларга берилади.

**“Йилнинг энг фаол соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси”** номинацияси:

Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашда муносиб ҳисса қўшаётган, спортнинг оммавийлигини таъминлаб, маҳаллаларда уй бекалари ва ёши кекса аёллар ўртасида спорт-соғломлаштириш тадбирларини самарали ташкил этаётган, хотин-қизларни Ўзбекистон ва халқаро даражадаги мусобақалардаги иштирокини таъминлаётган ва юқори натижаларга эришишига ҳисса қўшаётган тиббиёт ёки спорт соҳасидаги хотин-қизларга берилади.

**“Йилнинг энг янги гоялар ташаббускори”** номинацияси:

Барча тармоқларда соҳага ва жамият ривожига янги гоялар киритаётган, ушбу гояларни амалда татбиқ этиб, самарали натижага эришаётган, илмий ёки инновацион ишланмаси тиждоратлаштиришга



йўналтирилган, гоёси орқали илм-фанни дунёга тарғиб қилган хотин-қизлар тақдирланади.

**“Йилнинг энг яхши IT – дастурчи аёли”** номинацияси:

Ушбу номинация бўйича ахборот, молия, логистика, электрон тижорат, электрон таълим, биотехнология, шунингдек, жамиятда мавжуд ижтимоий муаммоларга ва бошқа йўналишларда лойиҳаларни амалга ошираётган, креатив ёндашуви, ўзи фаолият юритаётган ташкилотнинг IT инфратузилмасини яхшилаш, анъанавий электрон форматдан рақамли кўринишга ўтказган ёки мустақил равишда дастурлаш билан шугулланаётган аёллар тақдирланади.

28. Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида танловни ўтказиш, ғолибларни тақдирлаш Оила ва хотин-қизлар давлат мақсадли жамғармаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан юқори турувчи ташкилотлар билан келишилган ҳолда молиялаштирилади ва маблағлар тақсимланади.

29. Танловнинг республика босқичида олий ўрин – Гран-при ҳамда 1, 2 ва 3-ўринни эгаллаган иштирокчилар Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

Танловда олий ўрин – Гран прини қўлга киритган иштирокчи олий даражадаги диплом, статуётка ва Президент совғаси – **автомобиль билан;**

1-ўринни олган иштирокчи 1-даражали диплом ва базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 баравари** миқдоридаги **пул мукофоти** билан;

2-ўринни олган иштирокчи 2-даражали диплом ва базавий ҳисоблаш миқдорининг **40 баравари** миқдоридаги **пул мукофоти** билан;

3-ўринни олган иштирокчи 3-даражали диплом ва базавий ҳисоблаш миқдорининг **30 баравари** миқдоридаги **пул мукофоти** билан тақдирланади.

Танловнинг якуний республика босқичида юқори ўринларни эгаллаган иштирокчиларга тақдим этиладиган совринлар миқдори танловга камида 10 кун қолгунга қадар Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси билан келишилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Танловда фаол иштирок этиб, белгиланган номинациялар бўйича ғолиб деб топилган иштирокчилар ҳомийлар ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар билан ҳам тақдирланади.

30. Танловнинг барча босқичларида совринли ўринлар ҳамда номинациялар бўйича махсус дипломлар, совринлар, белгиланган мукофотлар ва совғалар танловда ғолиб деб топилган иштирокчиларга Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита аъзолари ҳамда ҳомийлар томонидан тантанали равишда топширилади.

31. Танловнинг барча босқичларида Танлов натижаларини эълон қилиш ҳамда ғолибларни тақдирлаш жараёнлари иштирокчилар, ҳайъат аъзолари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф қилинган ҳолда амалга оширилади.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари марказий ва оммавий оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда шу жумладан ташкилотчилар нашрларида эълон қилинади.

### **8-боб. Яқуний қоидалар**

32. Танловнинг барча босқичларида ғолиб бўлган ҳамда фаол қатнашган иштирокчиларнинг ҳужжатлари Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда ҳудудий бўлимларида 1 йил муддатда сақланади.

33. Танлов иштирокчилари Ҳакамлар ҳайъати қарори юзасидан танловнинг ҳар бир босқичи яқуни бўйича бир кун муддатда Ҳакамлар ҳайъати раиси номига апелляция шикояти (ариза) беришлари мумкин.

Апелляция шикояти белгиланган тартибда рўйхатга олинади, уч иш куни ичида кўриб чиқилиб, баённома билан расмийлаштирилади ва ўша куннинг ўзида эълон қилинади.

34. Иштирокчининг шикояти (аризаси) қаноатлантирилса, танлов натижалари Ҳакамлар ҳайъати томонидан қайта кўриб чиқилади ва унга ўзгартишлар киритилади. Ҳакамлар ҳайъатининг ушбу қарори яқуний ҳисобланиб, қарор қайта тасдиқланади.

35. Танловни Ушбу Низом талаблари ҳамда қонунийлик, ошкоралик, адолатлилик, тенглик каби асосий принципларга риоя қилган ҳолда ташкил этиш ва ўтказишга республика ва ҳудудий ташкилий қўмиталарнинг раислари ва аъзолари шахсан жавобгар ҳисобланади.

36. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.



“Йил аёли” миллий танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
Низомга 1-илова

“Йил аёли” миллий танловини ташкил этиш ва ўтказиш  
СХЕМАСИ

Боскичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Иштирокчилар	Муддатлар
1-боскич	Ташкилий кўмита (саралаш боскичи)	1. Танловнинг “Йилнинг энг ватанпарвар аёли”, “Йилнинг энг фаол олимпиа аёли”, “Йилнинг энг илгор тadbиркор аёли”, “Йилнинг энг яхши ижодкор аёли”, “Ўз касбининг устаси бўлган йил аёли”, “Йилнинг энг кучли маънавий-маърифий тарғиботчиси”, “Йилнинг энг яхши уй бекаси”, “Йилнинг энг жонкуяр устози”, “Йилнинг энг фаол соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси”, “Йилнинг энг янги гоълар ташаббускори”, “Йилнинг энг яхши IT – дастурчи аёли” номинациялари буйича саралаш боскичини ўтказиш. 2. Саралаш тадбирлари натижалари буйича номзодларни танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.	Корхона, ташкilot, муассасаларда меҳнат қилаётган хамда уй бекалари бўлган хотин-қизлар	октябрь
2-боскич	Туман (шаҳар) ташкилий кўмита, Ҳакамлар хайъати (туман ва шаҳар боскичи)	1. Танловнинг “Йилнинг энг ватанпарвар аёли”, “Йилнинг энг фаол олимпиа аёли”, “Йилнинг энг илгор тadbиркор аёли”, “Йилнинг энг яхши ижодкор аёли”, “Ўз касбининг устаси бўлган йил аёли”, “Йилнинг энг кучли маънавий-маърифий тарғиботчиси”, “Йилнинг энг яхши уй бекаси”, “Йилнинг энг жонкуяр устози”, “Йилнинг энг фаол соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси”, “Йилнинг энг янги гоълар ташаббускори”, “Йилнинг энг яхши IT – дастурчи аёли” номинациялари буйича туман ва шаҳар боскичини ўтказиш. 2. Танлов ғолибларини аниқлаш буйича Ҳакамлар хайъати қарорини қабул қилиш ва Худудлий ташкилий кўмитага тақдим этиш.	Биринчи боскичда саралашдан ўтган хотин-қизлар	ноябрь
3-боскич	Худудлий ташкилий кўмита, Ҳакамлар хайъати (вилоят боскичи)	1. Танловнинг “Йилнинг энг ватанпарвар аёли”, “Йилнинг энг фаол олимпиа аёли”, “Йилнинг энг илгор тadbиркор аёли”, “Йилнинг энг яхши ижодкор аёли”, “Ўз касбининг устаси бўлган йил аёли”, “Йилнинг энг кучли маънавий-маърифий тарғиботчиси”, “Йилнинг энг яхши уй бекаси”, “Йилнинг энг жонкуяр устози”, “Йилнинг энг фаол соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси”, “Йилнинг энг янги гоълар ташаббускори”, “Йилнинг энг яхши IT – дастурчи аёли” номинациялари буйича вилоят боскичини ўтказиш. 2. Танлов ғолибларини аниқлаш буйича Ҳакамлар хайъати қарорини қабул қилиш ва Республика ташкилий кўмитасига тақдим этиш.	Туман ва шаҳар боскичда танловдан ўтган хотин-қизлар	ноябрь
4-боскич	Республика ташкилий кўмита, Ҳакамлар хайъати (республика боскичи)	1. Танловнинг “Йилнинг энг ватанпарвар аёли”, “Йилнинг энг фаол олимпиа аёли”, “Йилнинг энг илгор тadbиркор аёли”, “Йилнинг энг яхши ижодкор аёли”, “Ўз касбининг устаси бўлган йил аёли”, “Йилнинг энг кучли маънавий-маърифий тарғиботчиси”, “Йилнинг энг яхши уй бекаси”, “Йилнинг энг жонкуяр устози”, “Йилнинг энг фаол соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси”, “Йилнинг энг янги гоълар ташаббускори”, “Йилнинг энг яхши IT – дастурчи аёли” номинациялари буйича республика боскичини ўтказиш. 2. Танлов ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш.	Вилоят боскичда танловдан ўтган хотин-қизлар	декабрь

“Йил аёли” миллий танловини ўтказиш бўйича Республика  
ташкилий қўмитаси  
ТАРКИБИ

№	Ф.И.Ш.	Иш жойи лавозими	Ташкилий қўми­тадаги лавозими
1	Кадирханова Малика Акбаровна	Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси	Ташкилий қўми­та раиси
2	Парпибоева Озода Абдукадировна	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари	Ташкилий қўми­та раиси ҳамраиси
3	Бўтаева Фарида Қўзиевна	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати (келишув асосида)	Ташкилий қўми­та аъзоси
4	Тошқулов Абдуқодир Хамидович	Олий ва ўрта-махсус таълим вазири	Ташкилий қўми­та аъзоси
5	Турдикулова Шахлохон Ўтқуровна	Инновацион ривожланиш вазири ўринбосари	Ташкилий қўми­та аъзоси
6	Ходжиматов Минхажидин Мирзажанович	Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари	Ташкилий қўми­та аъзоси
7	Раҳимова Нигина Хайруллаевна	“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори	Ташкилий қўми­та аъзоси
8	Рашидова Гулзода Атахановна	Акциядорлик тижорат Халқ банки бошқаруви раиси	Ташкилий қўми­та аъзоси
9	Лавозими­га кўра	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими бошлиғи	Ташкилий қўми­та масъул котиби

*Изоҳ:* республика ташкилий қўмитаси таркибига киритилган давлат ва жамоат ташкилотларнинг масъул ходимлари лавозимдан бўшаганда ёки бошқа ишга ўтганда лавозими­га кўра уларнинг ўрнига янги тайинланган ёки сайланган масъул ходимлар ташкилий қўми­та таркибига киритилади.



**“Йил аёли” миллий танловининг Қорақалпоғистон Республикаси,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичини ташкил  
этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

№	Ф.И.Ш.	Иш жойи лавозими	Ташкилий қўмидадаги лавозими
1	Лавозимига кўра	Вилоят ҳокими ўринбосари - Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи	Ташкилий қўмита раиси
2	Лавозимига кўра	Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссия раиси	Ташкилий қўмита раиси ҳамраиси
3	Лавозимига кўра	Худуддаги олий таълим муассасасининг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор	Ташкилий қўмита аъзоси
4	Лавозимига кўра	Вилоят Маънавият ва маърифат бўлими раҳбари	Ташкилий қўмита аъзоси
5	Лавозимига кўра	Вилоят Акциядорлик тижорат Халқ банки бошқаруви раиси	Ташкилий қўмита аъзоси
6	Лавозимига кўра	Хотин-қизлар фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари	Ташкилий қўмита аъзоси
9	Лавозимига кўра	Оила ва хотин-қизлар бошқармаси Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича бош мутахассиси	Ташкилий қўмита масъул котиби

**Изоҳ:** ҳудудий ташкилий қўмита таркибига киритилган давлат ва жамоат ташкилотларнинг масъул ходимлари лавозимдан бўшаганда ёки бошқа ишга ўтганда лавозимига кўра уларнинг ўрнига янги тайинланган ёки сайланган масъул ходимлар ташкилий қўмита таркибига киритилади.

**“Йил аёли” миллий танловининг туман (шаҳар) босқичини ташкил  
этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

<b>№</b>	<b>Ф.И.Ш.</b>	<b>Иш жойи лавозими</b>	<b>Ташкилий қўми­тадаги лавозими</b>
1	Лавозими­га кўра	Туман (шаҳар) ҳо­ки­ми ўрин­босари - Оила ва хотин-қизлар бўли­ми бош­лиғи	Ташкилий қўми­та раиси
2	Лавозими­га кўра	Халқ депутатлари вилоят Кен­гаши депутати, Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссия раиси	Ташкилий қўми­та раиси ҳамраиси
3	Лавозими­га кўра	Ҳудуддаги олий таълим муас­са­сасининг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор	Ташкилий қўми­та аъзоси
4	Лавозими­га кўра	Туман (шаҳар) Маънавият ва маърифат бўли­ми раҳ­бари	Ташкилий қўми­та аъзоси
5	Лавозими­га кўра	Туман (шаҳар) Акциядорлик тижорат Халқ банки бошқаруви раиси	Ташкилий қўми­та аъзоси
6	Лавозими­га кўра	Хотин-қизлар фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат но­ти­жорат ташкилоти раҳ­бари	Ташкилий қўми­та аъзоси
9	Лавозими­га кўра	Оила ва хотин-қизлар бўли­мининг Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маҳал­ла­лардаги хотин-қизлар фаоллари ишини муво­фиқ­лаштириш ва бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси	Ташкилий қўми­та масъул котиби

*Изоҳ: туман (шаҳар) ташкилий қўми­та таркибига киритилган давлат ва жамоат ташкилотларнинг масъул ходимлари лавозимдан бўшаганда ёки бошқа ишга ўтганда лавозими­га кўра уларнинг ўрнига янги тайинланган ёки сайланган масъул ходимлар ташкилий қўми­та таркибига киритилади.*



Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг  
2022 йил 27 апрелдаги  
КҚ-340–IV-сонли Қарорига  
2-илова

**“Гендер тенглик фаоли” миллий танловини ташкил этиш  
ва ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Гендер тенглик фаоли” номли миллий танловни (кейинги ўринларда танлов деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси танлов ташкилотчилари ҳисобланади.

3. Танловда вазирлик ва идоралар, нодавлат ноижорат ташкилотлари, ҳокимликлар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан гендер тенглик таъминлаш соҳасида амалга оширилган ишларга тегишли баҳо берилади.

**2-боб. Танловнинг мақсади**

4. Танловни ўтказишдан кўзланган мақсад қуйидагилардан иборат:  
ҳар бир ташкилотда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган сиёсатни шакллантириш;

ташкилотлар фаолиятига гендер ёндашувларни жорий этиш;

гендер тенгликка эришиш масалаларига жамоатчилик эътиборини кенг жалб этиш, турли тузилмалар фаолиятига гендер тенгликни сингдириш;

гендер тенгликни таъминлаш соҳасида ташкилотларнинг илғор тажрибасини аниқлаш, умумлаштириш ва тарғиб қилиш;

хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш.

**3-боб. Танловни ўтказиш бўйича комиссиялар вазифалари**

5. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб юритилади) таркиби Сенат Кенгаши томонидан тасдиқланади.

6. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси танловнинг ишчи органи (кейинги ўринларда Ишчи орган деб юритилади) ҳисобланади.

7. Худудий танловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Маҳаллий комиссия (кейинги ўринларда маҳаллий комиссия деб юритилади) Ишчи орган томонидан тасдиқланади. Бунда илмий муассасалар, олий таълим муассасалари, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларининг малакали мутахассислари ва вакиллари жалб этилиши шарт.

8. Ишчи орган томонидан танловга оид барча ҳужжатлар тўпланади ва Республика ва Маҳаллий комиссияларига тақдим этилади.

9. Республика ва Маҳаллий комиссия комиссиялар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни ташкил этади;

танлов иштирокчиларидан ҳужжатларни талаб қилиб олади, зарур ҳолларда улардан қўшимча маълумотлар олиши мумкин;

тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларни танлов асосида жойига бориб ўрганади;

танлов якунларини сарҳисоб қилиш ва ғолибларни аниқлашда ўз овози билан иштирок этади;

танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларининг, танлов якунларининг оммавий ахборот воситаларида, расмий веб-сайтларда ёритилишини таъминлайди;

танлов бошлангунига қадар бир ой давомида кўрик-танлов талаблари ва қоидалари юзасидан кенг тарғибот-тушунтириш ишларини олиб боради.

10. Республика ва Маҳаллий комиссиялар танлов жараёнида қуйидагиларга масъул бўлади:

танлов ҳужжатларига оид маълумотларни ошкор этмаслик;

танлов иштирокчиларини баҳолашда адолатлилик, шаффофлик мезонларига риоя қилиш.

#### **4-боб. Танловнинг иштирокчилари**

11. Танловда гендер тенгликни таъминлаш соҳасида юқори натижаларга эришган, ушбу йўналишда жамият ривожини йўлида ташаббус кўрсатаётган, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўз соҳасига тегишли йўналишларда долзарб вазифаларни амалга ошираётган вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳокимликлар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари (кейинги ўринларда иштирокчилар деб юритилади) қатнашади.

Танловда иштирокчилар якка ёки жамоавий тартибда иштирок этишлари мумкин.



12. Танловда иштирок этмоқчи бўлган ташкилот ва фуқаролар танлов ҳақида эълон қилинган кундан эътиборан 20 кун мобайнида ариза тақдим этадилар.

13. Танловда иштирок этиш истагини билдирган ташкилот ва фуқаролар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қиладилар:

иштирокчи ёки иштирокчи номидан ариза;

фаолиятининг эркин тарздаги таърифи;

газета ёки журналдаги мақолалар, видео ёки аудиоёзувлар, 15x20 см ўлчамдаги фотосуратлар;

ўз ташкилоти номидан қатнашиш ваколоти берилган маълумотнома ёки хизмат гувоҳномаси нусхаси.

### **5-боб. Танлов номинациялари**

14. Танлов қуйидаги асосий номинациялар бўйича ўтказилади:

“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол туман (шаҳар) давлат органи (ташкilotи)”;

“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ҳудудий давлат органи (ташкilotи)”;

“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол республика даражасидаги давлат органи (ташкilotи)”;

“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол туман (шаҳар) ҳокимлиги”;

“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ҳудудий ҳокимлик”;

“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ННТ”;

“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол тадбиркорлик субъекти”.

**15. Қўшимча номинациялар:**

“Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган энг яхши ТВ-дастур”;

“Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган Интернетдаги энг яхши веб-сайт ёки портал”;

“Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган энг яхши нашр”.

### **6-боб. Танлов босқичлари ва ўтказиш муддатлари**

16. Танлов ҳар йили 1 июндан 30 декабрга қадар номинациялардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилади.

17. Танлов қуйидаги босқичдан иборат:

а) **“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол туман (шаҳар) давлат органи (ташкilotи)” номинацияси** бўйича танлов қуйидаги **уч босқичда** ўтказилади:

**биринчи босқичда** – давлат органи (ташкilotи)нинг ҳар бир туман (шаҳар)да фаолият юритаётган тузилмалари ўртасида;

**иккинчи босқич** – биринчи босқичдан ўтган ғолиблар ўртасида;

**учинчи босқичда** иккинчи босқич ғолиблари ўртасида республиканинг барча ҳудудлари ўртасида ўтказилади. Мазкур босқичда ҳар бир ҳудуддан 1 тадан иштирокчи қатнашади.

б) **“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ҳудудий давлат органи (ташкilotи)”** номинацияси бўйича танлов **икки босқичда** ўтказилади:

**биринчи босқич** – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган барча давлат органи (ташкilotи)нинг тузилмалари ўртасида;

**иккинчи босқич** – биринчи босқичдан ўтган ғолиблар ўртасида. Мазкур босқичда ҳар бир ҳудуддан 1 тадан иштирокчи қатнашади.

в) **“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол республика даражасидаги давлат органи (ташкilotи)”** номинацияси бўйича танлов **бир босқичдан** иборат бўлиб, давлат органи (ташкilotи)нинг Марказий аппаратлари ўртасида ўтказилади.

Устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкilotлар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкilotлардан фақат 1 тадан иштирокчи Республика комиссиясига мурожаат этган ҳолда иштирок этади.

г) **“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол туман (шаҳар) ҳокимлиги”** номинацияси бўйича танлов **иккита босқичда**:

**биринчи босқич** – ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) таркибидаги туманлар (шаҳар) ҳокимликлари ўртасида;

**иккинчи босқич** – биринчи босқич ғолиблари ўртасида бўлиб ўтади.

д) **“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ҳудудий ҳокимлик”** номинацияси бўйича танлов 1 та босқичда бўлиб, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ўртасида ўтказилади.

е) “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ННТ”, “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол тадбиркорлик субъекти” ва қўшимча номинациялар 1 та босқичда ўтказилади ва улар Республика комиссиясига мурожаат этган ҳолда танловда иштирок этади.

## **8-боб. Танлов иштирокчилари фаолиятини баҳолаш**

18. Ҳар бир номинация бўйича I, II ва III ўрин ғолиблари аниқланади.

19. Комиссиялар танловга берилган аризалар ва иштирокчилар томонидан тақдим этилган материалларни қуйидаги асосий мезонларга кўра баҳолайди:

- долзарблик;
- инновациялардан фойдаланиш;
- оригиналлик (бетакрорлик);
- профессional маҳорат;



зарурийлик;

жамоатчилик ва ОАВ томонидан билдирилган муносабат.

20. Номинациялар бўйича ғолибларни аниқлашда қуйидаги талаблар инобатга олинади:

“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол туман (шаҳар) давлат органи (ташкilotи)”, “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ҳудудий давлат органи (ташкilotи)” ва “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол республика даражасидаги давлат органи (ташкilotи)” номинациясида Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган барча вазирлик ва идоралар ихтиёрий тарзда қатнашадилар.

Бунда ташкilotлар ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган талаблар бўйича баҳоланади.

“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол туман (шаҳар) ҳокимлиги” ва “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ҳудудий ҳокимлик” номинациясида вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари ихтиёрий тарзда иштирок этади.

Бунда танловда иштирок этаётган ҳокимликлар фаолияти ушбу Низомнинг 2-иловасида келтирилган талаблар бўйича баҳоланади.

“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ННТ” номинациясида Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган барча нодавлат нотижорат ташкilotлари ихтиёрий тарзда қатнашиши мумкин.

Бунда танловда иштирок этаётган ННТлар фаолияти ушбу Низомнинг 3-иловасида келтирилган талаблар бўйича баҳоланади.

“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол тадбиркорлик субъекти” номинациясида Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган барча тадбиркорлик субъектлари ихтиёрий тарзда қатнашишлари мумкин.

Бунда танловда иштирок этаётган тадбиркорлик субъектлари фаолияти ушбу Низомнинг 4-иловасида келтирилган талаблар бўйича баҳоланади.

“Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган энг яхши ТВ-дастур” номинациясида гендер стереотипларни бартараф қилиш ва гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган телевизион дастурлар муаллифлари ижодий ишлари билан иштирок этадилар.

Бунда танловда ТВ-дастурлар ушбу Низомнинг 5-иловасида келтирилган талаблар бўйича баҳоланади.

“Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган Интернетдаги энг яхши веб-сайт ёки портал” номинациясида гендер стереотипларни бартараф қилиш, гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган Интернет сайтлари ёки портал яратган муаллифлар ўз ижодий ишлари билан иштирок этадилар.

Бунда танловда Интернетдаги веб-сайт ёки портал фаолияти ушбу Низомнинг 6-иловасида келтирилган талаблар бўйича баҳоланади.

“Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган энг яхши босма нашр” номинациясида гендер стереотипларни бартараф қилиш ва гендер



тенглик таъминланишини тарғиб қилишга қаратилган босма нашрлар ўз ижодий ишлари билан иштирок этади.

Бунда танловда иштирок этаётган мақолалар ушбу Низомнинг 7-иловасида келтирилган талаблар бўйича баҳоланади.

21. Танловни баҳолаш юзасидан тегишли Республика ва Маҳаллий Комиссиялар қарорлари баённома билан расмийлаштирилади.

22. Танлов натижаларидан норози бўлган иштирокчилар танлов натижалари ўқиб эшиттирилган кундан бошлаб 1 кун давомида тегишлилигига кўра Республика ва Маҳаллий Комиссияларга апелляция бериш ҳуқуқига эга.

23. Апелляция 1 кунлик муддатда кўриб чиқилиб, қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

шикоятни қаноатлантиришни рад этиб, қарорни ўзгаришсиз қолдириш;

шикоятни қаноатлантириб, қарорни қисман ёки бутунлай бекор қилиб, янги қарор қабул қилиш. Бу хусусда иштирокчига маълум қилинади.

### **9-боб. Танлов ғолиблари ва иштирокчиларини тақдирлаш**

24. Танловнинг ҳар бир босқичида ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар ҳар бир номинация бўйича унвон, фахрий диплом, эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

25. Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона ва ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ўз ташаббусларига кўра махсус мукофотларни таъсис этишлари мумкин.

### **10-боб. Танловни молиялаштириш**

26. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича барча харажатлар Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, ҳомий ташкилотларнинг маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

27. Танловни ташкил этиш, уни ўтказиш учун ҳомийлик қилишда вазирлик, идора ва ташкилотлар, корхоналар ва жисмоний шахслар, шунингдек, халқаро ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

28. Танлов ташкилотчилари тақдим этилган материаллардан ўз мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиб, уларни оммавий ахборот воситаларида, китобларда, телевидение ва радиода, Интернет тармоғида жойлаштиришлари мумкин.

29. Танловга йўлланган материаллар қайтарилмайди ва улар бўйича тақриз берилмайди.

30. Форс-мажор сабаблар туфайли танловга тақдим этилган ҳужжатлар йўқолганда бу материаллар танловга қабул қилинмаган ҳисобланади.



**11-боб. Танлов Низomini ўзгартириш**

31. Ушбу Низомга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарори билан киритилади.

**“Гендер тенглик фаоли” миллий  
танловини ташкил этиш ва ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги Низомга  
1-илова**

**“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол туман (шаҳар) давлат органи (ташкilotи)”, “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол худудий давлат органи (ташкilotи)” ва “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол республика даражасидаги давлат органи (ташкilotи)” номинацияси бўйича иштирокчиларни баҳолашга доир талаблар**

Мазкур номинация бўйича иштирокчилар қуйидаги талаблар асосида баҳоланади:

1. Ташкilotда Маслаҳат-кенгашининг фаолияти йўлга қўйилганлиги;
2. Ташкilotда амалга оширилган ишларнинг, лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамияти, ўзига хослиги (оригиналлиги);
3. Ишга қабул қилишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг имкониятлар яратилганлиги;
4. Хотин-қизлар ва эркакларнинг соғлиғини сақлашни таъминлайдиган, хавфсиз меҳнат шароитлари яратилганлигини;
5. Ташкilot расмий веб-сайтида гендер тенглик саҳифасининг мавжудлиги ва материаллар билан янгиланиб борилиши;
6. Ташкilot томонидан гендер тенглик бўйича ўтказилган маҳаллий ва халқаро анжуманлар;
7. Ташкilotда гендер тенглик билан боғлиқ статистик маълумотлар ва инфографикаларнинг мавжудлиги;
8. Ходимлар касбий маҳоратларини ошириб боришлари учун яратилган шарт-шароитлар;
9. Ташкilotнинг ўз йўналишидан келиб чиқиб, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширган ишлари;
10. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизлар ва эркакларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар.



**“Гендер тенглик фаоли” миллий  
танловини ташкил этиш ва ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги Низомга  
2-илова**

**“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол туман (шаҳар)  
ҳокимлиги” ва “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ҳудудий  
ҳокимлик” номинацияси бўйича иштирокчиларни баҳолашга доир  
талаблар**

Мазкур номинация бўйича иштирокчилар қуйидаги талаблар асосида баҳоланади:

1. Ҳокимлик тизимидаги раҳбар ва ходимлар сонига нисбатан гендер тенглик таъминланганлиги;
2. Вилоят, туман ва шаҳар миқёсида раҳбарлик лавозимида ишлаётган хотин-қизлар кўрсаткичи фоизи;
3. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларнинг таъминланиши ваколатли шахс зиммасига юклатилганлиги;
4. Хотин-қизларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаганлиги ва уларга моддий ёрдам кўрсатилганлиги (уй-жой ҳамда маиший техникалар билан таъминланиши);
5. Хотин-қизлар ва эркаклар учун касбий қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда тенг имкониятлар яратилганлиги;
6. Барча ташкилот ва идораларда ишга кириш ва ишдан бўшатишда гендер тенглик билан боғлиқ қонун бузилиши ҳолатларининг мавжуд эмаслиги;
7. Жамоа шартномалари ва келишувларида, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқларининг таъминланганлик қоидалари акс эттирилганлиги;
8. Гендер тенглик бўйича аҳолининг хабардорлигини ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари;
9. Ҳокимлик тизимларида маслаҳат кенгашлари фаолиятининг натижадорлиги.

**“Гендер тенглик фаоли” миллий  
танловини ташкил этиш ва ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги Низомга  
3-илова**

**“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ННТ” номинацияси  
бўйича иштирокчиларни баҳолашга доир талаблар**

Мазкур номинация бўйича иштирокчилар қуйидаги талаблар асосида баҳоланади:

1. Аниқлиги: ННТ томонидан гендер тенглик тўғрисидаги масалани тушуниш даражаси;

2. Ишончилиги: танлов материалларида рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар ҳақиқатга мос келиши керак (уларнинг Уставида гендер йўналиши мавжудми?);

3. Мувофиқлиги: танлов материаллари мавзуси ва мазмуни муайян вазиятларни ҳар томонлама акс эттириши керак (ННТ гендер масалаларни ёритиш бўйича қанча тадбир ўтказди? Ўтказилган тадбирлар ҳақиқий муаммоларни қай даражада очиб беради ва улар муаммоларни ҳал қилиш йўллари кўрсатадими?);

4. Таҳлилий ёндашув: мамлакатдаги энг муҳим ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий воқеалар билан гендер тенгликнинг боғлиқлигини аниқлайдиган ва кўрсатиб берадиган танлов материаллари қўллаб-қувватланади;

5. Қулайлик: танлов материаллари содда услубда, кишиларга тушунарли ва осон тилда тақдим этилиши керак;

6. Самарадорлик: жамоатчилик эътиборини жалб қилган, муайян ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда хотин-қизлар ёки эркекларга миқдорий ва сифат жиҳатидан ёрдам берган, кўтарилган муаммоларни жамоатчилик томонидан муҳокама этишга кўмаклашган ва қарорлар қабул қилишга таъсир этган танлов материаллари мамнуният билан қабул қилинади;

7. Ижодкорлик: гендер тенглик муаммоларини ҳал қилишга ностандарт ёндашиш (усул ва механизмлар) қўллаб-қувватланади;

8. Тажриба: камида 5 йиллик иш тажрибаси;

9. Қонунийлик: ННТнинг қонунчилик ташаббусларида иштирок этиши;

10. Тарғибот: гендер тенглик тўғрисида жамоатчилик хабардорлигини ошириш бўйича ўтказилган тарғибот.



**“Гендер тенглик фаоли” миллий  
танловини ташкил этиш ва ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги Низомга  
4-илова**

**“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол тадбиркорлик фаолияти  
субъекти” номинацияси бўйича иштирокчиларни баҳолашга доир  
талаблар**

Мазкур номинация бўйича иштирокчилар қуйидаги талаблар асосида баҳоланади:

1. Маслаҳат-кенгашининг фаолияти йўлга қўйилганлигини ўрганиш;

2. Жамоа шартномалари ва келишувларида, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркекларнинг ҳуқуқларини тенг даражада таъминлайдиган қоидалар акс эттирилганлигини ўрганиш;

3. Ишга қабул қилишда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг имкониятлар яратилганлигини ўрганиш;

4. Ташкилотнинг турли поғона (лавозим)ларида ишлаётган хотин-қизлар ва эркеклар сонининг нисбатини ўрганиш;

5. Хизмат бўйича кўтарилишда, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун танловда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратилганлигини ҳамда уларни қайта тайёрлаш ва малака оширишда тенг имкониятлар яратилганлигини ўрганиш;

6. Хотин-қизлар ва эркеклар меҳнатига ҳақ тўлашда тенгсизлик мавжуд эмаслигини ҳамда улар ишининг сифатини баҳолашда тенг ёндашув яратилганлигини ўрганиш;

7. Оилани ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича фарзандлари бор аёллар ва эркеклар фойдалана оладиган амалиётни жорий этиш ва ривожлантириш, ҳомиладор ҳамда эмизикли аёллар учун қулай меҳнат шароитлари яратилганлик ҳолатини ўрганиш;

8. Хотин-қизлар ва эркекларнинг ҳаёт фаолиятини ҳамда соғлигини сақлашни таъминлайдиган хавфсиз меҳнат шароитлари яратилганлигини ўрганиш;

9. Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятлари ташкилот ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатилганлик ҳолатини ўрганиш.

**“Гендер тенглик фаоли” миллий  
танловини ташкил этиш ва ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги Низомга  
5-илова**

**“Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган энг яхши  
ТВ-дастур” номинацияси бўйича иштирокчиларни баҳолашга  
доир талаблар**

Мазкур номинация бўйича иштирокчилар қуйидаги талаблар асосида баҳоланади:

1. Гендер тенглик ҳамда хотин-қизлар мавқеи соҳасида давлатимиз олдида турган вазифалар – янгиланишлар ва ижобий ўзгаришлар.

2. Гендер муаммолар ёки сиёсат, иқтисодиёт ва бизнес, фан ва технологиялар, қишлоқ жойларни ривожлантириш, спорт ва бошқа мавзуга тегишли соҳалардаги жараёнлар (муаммолар)нинг гендер жиҳатлари тўғрисидаги ҳолатларнинг фоизи.

3. Гендер зўравонликни шахсий фожа эмас, балки ижтимоий муаммо сифатида кўрсатиш учун дастлабки маълумот ва статистикадан фойдаланиш.

4. Гендер сабаб зўравонлик ҳодисасига бошқа ҳолатлардан фарқли ўлароқ бериладиган вақт улуши (прайм-тайм), макон ва аҳамият.

5. Жамиятнинг таркиби, инсон тажрибаси, хатти-ҳаракатлари, қарашлари ва ташвишларини акс эттирган, хотин-қизлар ва эркекларнинг бўлиб ўтадиган ТВ кўрсатувлар мазмунида тенг тарзда иштирок этиши.

6. ТВ мавзуда қонун чиқарувчилар, ҳукумат вакиллари, фаоллар, экспертларнинг гендер масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларининг акс этиши.

7. ТВ мавзу, кўрсатув (ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича қонун, қарор ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган) орқали қўйилган мақсадларнинг жамиятга таъсирини баҳолаш, самарали натижаларга эришиш.

8. Асосий устувор йўналишларни ёритиш амалиёти:

сиёсат, қарорлар қабул қилиш ва гендер тенглик;

хотин-қизлар ва эркекларнинг меҳнат ҳуқуқлари, ишсизлик ва тадбиркорликнинг гендер жиҳатлари;

гендер тенглик борасида эркеклар ва хотин-қизларнинг шахс сифатида етилиши ва ўз имкониятларини рўёбга чиқариш;

хотин-қизлар ва эркекларнинг репродуктив ҳуқуқлари;

гендер тенглик нуқтаи назаридан оила, жумладан оилавий зўравонлик;

замонавий маданиятдаги гендер стереотиплар.

9. Гендер тенглик мавзусида онлайн сўровномалар ўтказиш.



**“Гендер тенглик фаоли” миллий  
танловини ташкил этиш ва ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги Низомга  
6-илова**

**“Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган Интернетдаги энг  
якши веб-сайт ёки портал” номинацияси бўйича иштирокчиларни  
баҳолашга доир талаблар**

Мазкур номинация бўйича иштирокчилар қуйидаги талаблар асосида баҳоланади:

1. Гендер тенглик ҳамда хотин-қизлар мавқеи соҳасида давлатимиз олдида турган вазифалар – янгиланишлар ва ижобий ўзгаришларнинг материалларда акс этиши.

2. Нашр этилган материалларда гендер мавзусининг кўтарилиши кўрсаткичлари.

3. Интервью берган ёхуд таҳлилий материалларда ҳамда бўлиб ўтаётган ҳодисалар даврида ўз фикрини билдирган эркаклар ва аёллар нисбати.

4. Гендер стереотипларни бартараф этишга қаратилган материаллар, жинсий белгилар бўйича камситилишлар.

5. Мавзулар қамровининг кенглиги (мавзулар хилма-хиллиги – камситиш, муносиб иш ҳақи, хотин-қизларнинг уларни қабул қилиш даражасидаги иштироки, оиладаги зўравонлик ва бошқалар).

6. Гендер муаммоси акс этган соҳалар хилма-хиллиги (қишлоқ хўжалиги, ИТ, тиббиёт, энергетика, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари).

7. Қуйидаги муаммоларга оид воқеалар фоизи: шахсий ҳаётга дахл қилиш ва/ёки жинсий белгиларга кўра зўравонликка учраган шахсларни камситиш.

8. Таҳлилий материалларнинг жамиятга таъсир этишини баҳолаш.

9. Материалларда ҳаволаларнинг мавжудлиги, энг янги статистик маълумотлардан фойдалана олиш.

10. Гендер тенглик мавзусида онлайн сўровномалар ўтказиш.

**“Гендер тенглик фаоли” миллий  
танловини ташкил этиш ва ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги Низомга  
7-илова**

**“Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган энг яхши нашр”  
номинацияси бўйича иштирокчиларни баҳолашга доир талаблар**

Мазкур номинация бўйича иштирокчилар қуйидаги талаблар асосида баҳоланади:

1. Гендер тенглик ҳамда хотин-қизлар мавқеи соҳасида давлатимиз олдида турган вазифалар – янгиланишлар ва ижобий ўзгаришларнинг материалларда акс этиши.

2. Нашр этилган материалларда гендер мавзусининг кўтарилиши кўрсаткичлари.

3. Интервью берган ёхуд таҳлилий материалларда ҳамда бўлиб ўтаётган ҳодисалар даврида ўз фикрини билдирган эркаклар ва аёллар нисбати.

4. Гендер стереотипларни бартараф этишга қаратилган материаллар, жинсий белгилар бўйича камситилишлар.

5. Мавзулар қамровининг кенглиги (мавзулар хилма-хиллиги – камситиш, муносиб иш ҳақи, хотин-қизларнинг уларни қабул қилиш даражасидаги иштироки, оиладаги зўравонлик ва бошқалар).

6. Гендер муаммоси акс этган соҳалар хилма-хиллиги (қишлоқ хўжалиги, ИТ, тиббиёт, энергетика, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари).

7. Қуйидаги муаммоларга оид воқеалар фоизи: шахсий ҳаётга дахл қилиш ва/ёки жинсий белгиларга кўра зўравонликка учраган шахсларни камситиш.

8. Таҳлилий материалларнинг жамиятга таъсир этишини баҳолаш.

9. Материалларда ҳаволаларнинг мавжудлиги, энг янги статистик маълумотлардан фойдалана олиш.

10. Ўз нашрларида гендер тенглик мавзусида сўровномалар ўтказиш.



Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг  
2022 йил 27 апрелдаги  
КҚ-340–IV-сонли Қарорига  
3-илова

**“Гендер тенглик фаоли” миллий кўрик-танловини ташкил этиш ва  
ўтказиш бўйича Республика комиссияси  
ТАРКИБИ**

1. Кадирханова  
Малика Акбаровна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси, *Комиссия раиси*
2. Эгамбердиева  
Нодира Мелибаевна — Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси раисининг ўринбосари, *Комиссия раиси ўринбосари*
3. Рахимова  
Нигина Хайруллаевна — Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси аъзоси, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори
4. Соатова  
Шаҳноза Мирзарахимовна — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири маслаҳатчиси
5. Рихсиева  
Гулчехра Шовкатовна — Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори
6. Ширинова  
Мавлюдахон Расуловна — Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси аъзоси, “Сабр” Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази директори
7. Қобулова  
Диловар Насимовна — Фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси ҳузуридаги ННТлар бирлашмаси раҳбари
8. Исакова  
Гуллола Абдумаликовна — Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири маслаҳатчиси, *Комиссия котиби*

Изоҳ: Комиссиянинг аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ўшбу лавозимга янгидан тайинланган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг  
2022 йил 27 апрелдаги  
КҚ-340–IV-сонли Қарорига  
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг  
2021 йил 22 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Сенати кўмиталари томонидан ўтказиладиган кўрик-танловлар  
тўғрисида”ги КҚ-214–IV-сонли Қарорига  
киритилаётган ўзгартишлар**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг  
2021 йил 22 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Сенати кўмиталари томонидан ўтказиладиган кўрик-танловлар  
тўғрисида”ги КҚ-214–IV-сонли Қарорининг:

**1-бандидаги** “ва “Гендер тенглик фаоли” кўрик-танловлари” деган  
сўзлар “кўрик танлови” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2-бандидаги** “2-“а” ҳамда “2-“б” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**6-бандининг учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**2-“а”** ҳамда **“2-“б”** иловалари ўз кучини йўқотган деб  
ҳисоблансин.